

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон халқ шоири



НАВРҮЗ

Аввал юрагинга мўралайди у, Сўнгра куртакларга ўргатади сўз. Заминнинг кўзидан қочади уйку, Демак, Баҳор келди, Келмоқда Наврўз!

Қишнинг аҳволига боқиб ҳойнаҳой, Юм-юм ёш тўқмоқда эриётган муз. Жилва қилаётир тенгсиз бир чирой, Демак, Баҳор келди, Келмоқда Наврўз!

Она бағри каби илиқдир олам, Ҳарир ҳовур ичра яйраг дала-туз. Қолди пучмоқларда ҳазон янглиғ гам, Демак, Баҳор келди, Келмоқда Наврўз!

Яна кўнгиллардан рутубат кетди, Яна шуълалардан қамашмоқда кўз. Яна дилдорликнинг фурсати етди, Демак, Баҳор келди, Келмоқда Наврўз!

2001 йил, феврал

КАЙРАҒОЧ

Ассалом, азизим, қайрағоч оға, Балки мен жиянман, сен менга тоға.

Фарқимиз биттадир: Сенинг тилинг йўқ, Юрарга оёғинг, кетар йўлинг йўқ.

Лекин бахтлирдан, соя солурсан, Баҳра олганлардан дуо олурсан.

Тоғажон, менинг-чи аҳволим мушкул, Мендан паноҳ топган қарғайди нуқул.

Битта илтимос бор: ўрин алмашсак, Мен ҳам дарахт каби яшасам андак.

Сен-чи бу дунёга инсон бўлиб боқ, Майли, бир кун мени ўтин қилиб ёқ.

1981

УРУМЧИДА БАҲОР

Урумчига нечун кечикдинг, баҳор, Нега чечакларинг кеч очилмоқда. Нечун чинорларнинг ёзмайдик виқор, Нечун боғлар атри кеч сочилмоқда.

Урумчи боғлари айлайди жавоб: Меҳмоним, бир сирга айланг эътибор. Энг улуғ манзилни этгади тавоб Пастдан юксакликка ўрлайди баҳор. 1991 йил, Урумчи

Сокин туннинг сайрга Таклиф этдим, қайтмадинг. Қайтмадинг о, ўзгани Севингини айтмадинг. Сен кетдинг-у, қалбингнинг Изи қолди ёдимда, Сутдай ойдин кечанинг Ўзи қолди ёнимда...

1960

ЎТИНЧ

Дунёда минг йиллик харобалар кўп, Урушлардан ёдгор, селлардан ёдгор. Мозорлар қаланиб ётибди тўп-тўп, Асида улар ҳам чўнг харобазор.

Вужудимни тешар йиллар шамолди, Юрак тилка-тилка турфа озордан. Болам, хабар олгин, тутмай заволи, Шоир деб аталган харобазордан.

2000 йил, 4 декабр

ШҲҲҲҲ

Мана бу ҳикматга, дўстим, сол қулоқ, Балки сену менга бўлмай бир сабоқ: Посбоннинг қовоғи уйилган бўлса, Ҳатто жаннатга ҳам тортмайди оёқ.

2000 йил, 4 декабр

Менинг туғилиб ўсган, болалигим ўтган жойлар Қарши (қадимги Насаф) шаҳридан беш-ўн чақирим шимолроқ томондаги Кўнғиртов этакларидир. Кўнғиртов дегани у ерда дов-дарахт йўқлиги, кўринишининг кулранг-кўнгир тусда бўлганлигидандир. Кўнғиртовда ягона шўр сувли булоқ бор, уни Кўтирбулоқ дейдилар. Чунки унинг шўр, тузилк сувидан одамлар турли дардларига шифо топиб юрадилар. Геолог дўстларимизнинг айтишларига қараганда у ниҳоятда эски тоғнинг қолдиғи, чўкирталари экан. Бу тоғнинг нариги томони Самарқанд, бериги томони Бухорои шарифга юз тутиб турибди. Боболаримизнинг айтишича, қайси бир замонларда Навоий бобомиз Самарқанддан Бухорога ана шу Кўнғиртовни ошиб ўтган эмишлар. Албатта, бу гаплар халқнинг хотирасида ўқтин-ўқтин чақнаб турадиган хаёл учқунлари бўлиши мумкин.

Қишлоғимизнинг номини Некўз дейдилар. Унинг маъносини мен яхши билмайман. Ҳар ҳолда у қадимий ўзбек уруғларининг бир шохобчаси бўлиши мумкин. Дарвоқе, Амир Темур бобомизнинг оналарини Некўзбегим ҳам деганлар.

Ота тарафдан катта боболарим Норбой бобо, Боймурод бобо, Убайдулло боболар бўлишган.

Ундан кейин менинг отам Ориф бобо. Она тарафимдан бобомни Эрдога карвон деганлар. У киши, чамамда, қандайдир карвончилик билан машғул бўлган.

Қишлоғимизда сув ниҳоятда тақчил эди. Қашқадарёдан тортиб келинган иккита ариқ бўлиб, бирини Хомаирик (Хонарик ҳам бўлиши мумкин), иккинчисини Гадагн дейишган. Гадагн арабча сўз, маъноси ёнинг ўқини билдиради. Гўё Қашқадарё эгик камон бўлса, Гадагн ундан отилган ўқ каби. Лекин бу ариқларга сув жуда қийинчилик билан чиқар, шу сабаб одамлар ариқни тинимсиз чуқурлаштиргани-чуқурлаштирган эди. Бу жараёни хайролар дер эдилар. Сув етарли жойда албатта у-бу нарсалар экиларди, тоғнинг этаклари лалмикор ерларда эса асосан бугдой, арпа етиштирилди. Аёвким, бу поёнсиз қир-адирларда чорва кўп эди. Туя, йил-қи, қўй деган-

китоблар орасида халқ достонлари ҳам, Навоий бобомизу Пушкиндан таржималар ҳам, Фафур Фулом, Хамид Олимжон шеърятга ва яна бошқа кўп рўмону киссалар бўларди. Дарвоқе, киш кунларига тўйларга қўшни туманлардан номдор бахшлар келиб, тоғ отгунча дoston айтишарди. -Биз бола-лар бахшини тинглай-тинглай бир-биримизга биқинишиб ух-лаб ҳам қолар эдик. Янглишмасам, ўшанда Умур шойр деган бахшининг достонларини кўп эшитганман.

Бир кўшнимиз гоят покдомон Камолхон эшон деган киши бўларди. Раҳматликнинг онасини Биби момо дердилар. Билмадим, улар балки Каттакўрғон ёқлардан келиб қолишган. Биби момо ўта даражада саводхон буви эдилар. Онам раҳматликка эргашиб, уларнинг сўхбатига қатнашиб қолардим. Биби момонинг катталиги сандалдек келадиган китоби бор эди. Китобни Навоий-китоб дердилар. Биби момо Фарҳоду Ширин, Лайлию Махнунларни чунонам қироат билан ўқирдики, маъносини кўпма тушунмасам ҳам қироатдан маза қилардим.

Кўрган - билганларим

Энди биринчи шеърлар ёза бошлаганимга нима туртки бўлганини аниқ билмайман. Ҳар ҳолда сўзларни қояйлашга иштиёқ бўлиб қолганим эсимда. Балки зериканамдан, балки завқим тошиб, ниманидир ёзим келаварарди. Фикр эса йўқ. Ёзамасликнинг ҳам иложи йўқ. Шунинг учун она, ота, мактаб, бригадир Нодир каби гапларни ўзимча шеърга солиб айлан-тириб юрардим. Ундан ташқари, яна бир қизиқ детал. Мендан катта акам, ҳозир у қишлоқ ҳужалиғи соҳасида профес-сор, шеър ёзиб, муттасил болалар газетасига жўнатиб турарди. Газетадан келган жавоб хатини акамга билдирмай ўқир-дим. Хатда жумладан бундай гаплар ёзилган бўларди: "Абду-раззоқжон, шеърингизнинг мавзуи яхши, лекин қофия-турок-

сан. Ёзавер, ўғлим" деганларини ҳеч қачон унут-майман. Ва ниҳоят, бир кун мени Ойбек дом-ла йўқлаётганини айтиб қолишди. Бу улуг зот бе-морроқ бўлганлари сабабидан ёки салобатлари гоят буоқлигиданми, хонадонларига ҳар қандай қалмақш юрак ютиб боролмас, бахайбат чўққига боқандай дом-лани узоқроқдан томоша қилиб юрардик. Ойбек домла бил-лан учрашувларимни ҳамда кечирган ҳаяжонларимни қоғоз-га туширсам бир рисола бўлар. Домлага "Арманистон" де-ган шеъримни ўқиб берганимда "ингичка, ингичка" деб қўйганларини эслайман. Бу хитоб шеърингизда нозик қоч-римлар бор дегани бўлса керак, деб ўйлайман. Ойбек дом-ла кейинги саҳар чорлаганларида қўлимга Ўзбекистон Ёзув-чилар уюшмасига аъзоликка тавсия қоғозини тўтқаздилар. Иккинчи тавсия Миртемир домладан келди. Шу йўсинда уюш-мага Комил Ўшин расилқандан аъзо бўлиб кирдим.

Сўнг турли матбуот идораларига хизмат қилдим, катта-кичик мукофотларга, халқ шоири унвонига сазовор бўлдим. Мустақиллик йилларимизнинг буюк инъоми Ўзбекистон

Қаҳрамонини унвонига ҳам лойиқ топишди. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Давлат мадҳияси матнини ёзишга мушарраф бўлдим. Асосий иш фаолиятим ижод ва ижодий соҳага тегишли хизматлар билан ўтаётир.

Энди оқингни айтганда, камтарингина бир ижодимиз борлиғи учун юқоридаги тар-жимайи ҳолимизга эҳтиёж сезилди. Демак, энди асосий гап ижод атрофида бўлмоғи лозим. Энг аввал шундан ўқитиб айтмоғим лозимки, менинг деярли ҳар бир шеърим ҳаётда-ги маълум бир воқеа, ҳодиса билан боғлиқ, жўнроқ қилиб айтганда, ҳар бирининг турткиси бор. Масалан, "Аёл" деган шеърим урушдан қайтмаган амакиларимнинг бевафарига ба-ғишланган. Мен уларнинг изтиробларини кўриб, қузатиб ул-гайганман. "Ехуд" "Ўзбекистон" қасидасининг ёзилиши-чи? Бу-нинг ёзилишига нима туртки бўлган, дейилиши мумкин. Гап шундаки, Ватанинг бутун Совет Иттифоқи, деб ўқитиб ту-рилан бир пайтда, менга Ўзбекистон нима бўлди экан, де-ган савол юрагимнинг тубида пайдо бўлиб, хойнаҳой, "Ва-таним - Ўзбекистон" деб шеър ёзган бўлсам, тилимизнинг ҳар қадамда ерга урилётганини кўриб "Она тилимга" но-ли шеърни ёзганман. Ишонамизки ёнида бир сассиқ ҳовуз бўлиб, унда у-туртта тилла балик эганини қаппа-қаппа оч-ганча улар ҳолда кўп ўтказарди. Бошқа шоирлар қатори ўша баликларнинг ҳолига ачиниб, мен ҳам "Тилла баликча" де-ган шеър ёзиб, балога қолганман. Эмишки, сассиқ ҳовуз деганда совет тузумини назарда тутганман. Демакким, ҳақиқатдан ҳам бир гап бор эканки, арқон уларнинг кўзига илон бўлиб кўринибди.

Ҳозир ўтган йиллар бутун нуқсонлари билан кўзга таш-ланиб, танқидга учраб турган бир даврда ўтган замондан жабр кўрган "қаҳрамонлар" ҳам оз эмас. Базъан ўша замон-ларда қамалган оддий кивисавур ҳам ўзини замондан ноҳақ жабр кўрган зот деб эълон қилишни хуш кўради. Лекин со-биқ мафқурдан, собиқ сўбатдан ҳақиқатан озор чекканлар кўпчилигида ва уларнинг тарихлари ҳаммамизга маълум. Ҳар ҳолда ўша тазйиқлардан 60-йилларда адабиётга кириб кел-ган ёшлар ҳам баеҳра қолмаганми. Мен бу гапларни зин-ҳор-базинҳор ўзимни жафо чеккан шўрлик шоир сифатида кўрсатиш учун айтмаётиман. Ўша йиллари менинг ёш идо-рокимни икки-уч авлод каттиқ қийнади. Биринчиси, нега менинг халқим иккинчи сорт, иккинчиси, нега менинг тилим боёбру, нега менинг Ватаним маъвум, нега табият ато этган ҳис-туғйулларни ҳам ошқора изҳор қилиш мумкин эмас, ма-салан, яқин қариндошинг ўлса марсия ёзиш мумкин эмас, муҳаббатнинг бахтсиз бўлса, надомат чекчи гуноҳ ва ҳоказо-лар. Энди ўйласам, ҳамма халқлар катта бир йилки уори сингари битта қачининг ишорасига бўйсуниб яшар экан. Нафақат моддий, балки маънавий боқимандарик ҳам худди шу уорчиликнинг оқибати бўлиб, унинг тасъиридан ханузга-ча кўпчилик кутулган эмас. Ўша йиллари ёзилган талай шеърлар худди икки томчи сувдек бир-бирига ўхшашлиги-нинг сабаби шунда. Мен бу ўринда бошимдан ўтган турли майда-чуйда тазйиқ-ларни эслаб ўтирмайман. Лекин бир гап-ни айтмасам бўлмас. Менинг ижодимда ёлғизлик, маъзун-лик туғйулари кўп учрайди, дея қачон беришган ва бунинг сабабини турлича шарҳлаган ҳам. Аслида эса менинг та-биятим ўш шунқароқ жавоб керак. Иккинчидан, мени қий-наган саволларга бўлса тополмай ўртангандирман, учинчи-дан, шу ҳасад деган балонинг ҳужумига жуда эрта дўз кел-дим. Буларнинг барчаси сатрларимда қандайдир шаклда акс этган бўлса ажаб эмас. Чунончи, ҳажвий рундаги шеърлар ҳам қандайдир сунбий равишда яратилган эмас. Кўп қатори мени ҳам лақиллатган, алдаган одамларнинг сон-саногини йўқ. Халқимизда аччиқроқ шеърларнинг ёзилишига албатта ўша-лар сабаб бўлган.

Мен таржимачилик билан ҳам шуғулландим. Ушбу маш-ғултимнинг энг асосийси Дантенинг "Илохий комедия"си деб биланам. Ҳозирча унинг "Дузах" қисми таржима қили-ниб, нашр этилди. Бу асар таржимасига кўп уришимга раҳ-матли Шароф Рашидов сабаби бўлганлар. Атрофимизда турли қора ёрликлар айланиб қолганда Шароф ака бизни ўзларича муҳофаза қилдилар шеклини ёки ижодни бутунлай ташлаб кетмасин, деган халғга бордиларми, "Комедия"ни таржима қилишни менга топширдилар. Таржима жарбни мен учун энг улуг мактаб бўлди. Агар қоғоз устида энг кўп тер тўқкан бўлсам, ўша таржима устида тўқканман. Она тили-мизнинг нақадар бой эканлиғига имон келтирган бўлсам, ўша таржима жарабнида имон келтирганман. Азаброй тар-жима асл нусхадан кам бўлмаслиғи учун тилимиз бойлиги-дан имкон борича тўлиқ фойдаланиш учун изландим, тил ҳазинамиздан сўзлар ахтардим. Бунга нечоғлиқ эришган-ман, бу бошқа мавзу, бироқ ишондиким, бизнинг тилимиз ҳеч бир мулоғасиз жўнатиқ энг гўзал ва энг бадавлат тиллардан биридир. Уни келганда ёш шоир укаларимга бир гапни айтиб ўтай, зинҳор битта шеърни бир ўтиришда ёз-дим деб мактабни юрманг, шеър, яъни сўз айрим унли ва ундолларига қадар тинимсиз сайқал топганданми ва айни чоқда биринчи ёзилишда руҳий қуввати ва сеҳрини йўқот-маган тадриқдагина мукамал асарга айланиши мумкин. Ал-батта, мен бу камолотга эришганман, демоқчи эмасман. Ле-кин мумотоз адабиётимизни ўқиб-ўрганбди, Данте сингари шо-ирларни таржима қилиш шу хулосага келганман. Мен ҳозир таржимамни эмас, балки оруз-армонларимни айтмаётиман.

Авалги мафқура, айниқса Сталин ҳаётлиғи даврида шо-ирлар шах сифатида ўш юрагини очолган эмас эди. Кейин-ги даврдаги муҳит шарофати билан бизнинг авлод шоирла-ри юракдаги дардларини аста-секин она бешодалар, бу дардлар халқнинг умумий аста-секин қилинча қайфи-ятига бир қадар мос тушиди ва ўқувчилар неча ўн йиллардан бўён шэшилмаган оҳангларга қулоқ тута бошладилар. Аста-секинлик билан ёлғонини ёзишга умуман эҳтиёж қолмади. Айниқса, Ўзбекистон мустақиллигидан кейин кўпчилигимиз беҳудага лайлақ ҳайдаб юрганмиш маълум бўлиб қолди.

Дунёда мавзу шу қадар кўп эканки, уни таллаб олиш-да муаллиф гоҳо шўшиб қолиши мумкин. Масалан, халқимизнинг шонли тарихини ҳали юз-икки юз йил-да ёзиб адо қилиш қийин. Лекин ёзувчининг оддий тарихнавис, йилномачидан фарқи бор. У кўпроқ ўш муайян гоёларига мос келувчи мавзуларни излайди. Шу маънода, асрлар бўйи камситилган, ҳақоратланган Амир Темур бобо-мизнинг образи менинг учун халқнинг обрў-эътиборини, қад-рини белгиловчи образ бўлиб кўринди. "Соқибқирон" аса-рини ўтишга боқиб, бугун учун ёзганман.

Узоқ йиллик ижодий тажрибадан хулоса шулки, ижод-кор истеъдодининг даражасидан қатъи назар иложи борича ўзини ёлғон-ашикдан олиб қўсини. Иложи борича, катта ва кичик ҳақиқатларни бир-биридан фарқлай олсин. Яъни, ҳар доим ҳам ўзининг шахсий кечинимларини бутун бир халқ-нинг кечинимлари, деб эълон қилишдан ўзини тийсин. Ак-синча, халқ дәрдини ўзининг шахсияти филтридан ўтказ-абилсин. Узининг шахсий дардини халқники деб эмас, балки халқнинг дардини ўзиники деб билсин.

Менинг инсон ва ижодкор сифатида бахтим - Ўзе-бистонимнинг Мустақиллигини кўрдим ва небахтим, озо-д Ватанимга баҳоли қудрат хизмат қилиб юрибман.

2000 йил 23 январ

АСРАЛА ШАҲИРАТЛИК И П

Кўлам келатир... "Дўмон боғларида билдур қахратон"ни эритиб, дов-дарахтларга янгидан тириллик нафасини улашиб, гўл баҳор нафаси эсаётир.

Баҳор - бахт фасли, висол фасли, интизор кутялган учрашувлар айёми. Чилдан баҳор ўзи ажиб айёмдир.


Яни аср, яни мингйиллик-нинг илк баҳори биз учун ўзгача қадр, ўзгача тароватта эга. Бу - Ватанимиз Озодликнинг ўинчи баҳори. Озодликнинг жамоли юртимизда чирой очганига ўн йил тўғнади. Бундай кутулғ айём араласи ҳаминча серзақ саналарга, дилкаш учрашувларга бой бўлади, олдата. Юрт эрки истикболни "йиллар армони" бўлиб қўйилган дамлардан ҳур Ватан Маҳжияси ярагунгача ўтган бир йилги умричалек вақт мобайнида адабиёт осмонда "мигити олдур"дай порлаб йиллар оша унинг даргаларидан бирига

айланган Шоирнинг олтинчи баҳори ҳам халқимизнинг Истиклол тўйи ичдаги ўзига хос бир тантана бўлажак.

Халқ ҳар ярим асрда ўзгарди дейди олимлар. Шоир учун 40-50 йиллик жод йўли - асрларга татигулук вақт. Демак, ижод дари - бу унинг асри. Ўзгарган халқ онгда эса шоирнинг "сўз инқилоби" мана шу вақт мобайнида ўз бурчини, вазифасини соқин, шовқи-суронларез бажарган бўлади. Халққа фалсафалар берган шеърят бир кун келиб муаллифини шу халқнинг тилсизига айлантиради.

Халқ илк тўплами чиқмай туриб тилга тушган, адабиёт даргаларининг эътирофини қозониб, жуд катта умид пайдо қилган ва йиллар давомида ана шу юксак ишончи оқлаб, бутун бошли бир давр шеърятига қарвонбонилик қилган истеъ-доллар адабиёт тарихида кам топилади. Бугунги кунда ўзбеки-нинг миллий шоири сифатида тан олганга атоқдан адиб Абдулла Ориповнинг ҳар бир янги шеъ-ри, туркуми, қолаверса, тўплами

адабий жамоатчилик, китобхон элимиз томонидан маданий ҳаётимизда ўзига хос ҳодиса сифатида кутиб олинган. Шу кунларда биз яна бир шундай шеърят байрамига гувоҳ бўлиб турибмиз - Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат наشريёти яқиндагина шоирнинг тўрт жилдик "Танланган асарлар"нинг биринчи жилдини нашрдан чиқарди. Таъкидлаш жоник, мазкур нашр Абдулла Орипов асарларини тўлиқ жамлаган илк сайламна. Бу ҳам Истиклолнинг шарафатидир. Сайламанинг дастлабки жилдини шеърят муҳлислари ёд бўлиб кетган шоирнинг машур шеърлари - ижодининг илк намуналари билан бир қаторда, аввал нашр этилган китобларига киритилмаган қолган бир қанча асарлари ҳам жой олган. Булар орасида "Баҳор", "Сув париси", "Софйя", "Айрилик қўшиғи", "Газета сотувчи" каби 60-йиллардаги ижод намуналари, шунингдек, "Сергей Есенинга", "Менинг муҳаббатим буюкдан - буюк...", "Сен менинг исмиман, номимсан тугал...", "Қайрағоч",



"Урумчида баҳор" сингари 70-90-йиллар ижод маҳсули бўлган шеърлар ҳам бор. Шоир назмининг муҳлисларига янглик бўлган бу асарлар унинг шеърятини ҳақида тўлиқ тасавур беради.

Шеър қалб эҳтиёжидан туғилади, дейишди. Эҳтиёж фарзанди нафақат шеър, шоир - аслида миллат армони, орузси, яъники унинг бруг эҳтиёжидан пайдо бўлади, унинг овозига, виждонига ва айтар сўзига айланади...

дари чатоқ ва ҳоказо". Кейин мен қофия-турокчи ўрганиш учун роса китоб титтардим. Акам бўлса, унга келган жавобни ўқиганман беҳабар, мен қайта елимлаб қўйган конвертни очиб ўқир, "нима ёзибди" деб сўрасам, жавоб билан "инишг бўлмасин" деб хатни бурда-бурда қилиб йиртиб ташлар ё бўлмаса ёқиб борарди.

У маҳаллардаги менинг шеърларим мавзу тарафдан ҳам, шаклий жиҳатдан ҳам, албатта тақлид эди. Ўқиган шеърла-римда ҳамма шоир асосан Сталин, Москва, Кремл ҳақида ёзишарди. Мен ҳам "ё бисмилло!" деб ўшаларни қўйлаб бош-лаганман. Бир кун хонадонимизга район раҳбарлари меҳмон бўлиб келиши-ю, чамамда мусалласхўрлик ҳам қилишди. Уларнинг баъзилари менинг шеър ёзиб юрганамдан хаба-рдор экан шеклили, дафъатан чақириб, менга "шеър ўқи" деб қолишди. Мен "Кремл деворлари" деган шеъримни тантанали равишда ўқидим. Яқинда ўш ёшни қоралаб қазо қилган Ҳам-рокул ота Мамедов эди, шеклили (ўшанда райиқроқум рай-си), қайфияти баландмикан, дадиллиғи кўзиб, "Ўғлим ўзинг Кремлни кўрганмисан?" - деб қолди. Мен "йўқ" дедим. У киши "бўлмаса кўрмган нарсагини бундай кейин ёзма!", деди. Ушанда еган дашномим менга ҳозиргача дарс бўлиб келаёт-тир.

Мақтабни олтин медал билан битирдим. Акаларим турли шарҳларга ўқишга кетиб қолгани учун отам мени қўйиб юбор-гиси келмади. Бу орада Зарафшондан Эски Ангор канали қазилиб, қишлоғимизга бир дарё сув оқиб келган, одамлар катта қувонч билан боғ-роғлар яратишга киришиб кетишган эди. Бизнинг боғимизда элик туддан ортик сархил олма на-влари, узуму анжир ва бошқа мевали дарахтлар гуржираб ўсиб, мўл-мўл ҳосил бериб ётарди. Отам белқурағу кетмонни кўтариб, боғни парварши қилар, мен отамга доимий ёрдам-чи эдим. Хуллас, 1958 йил Тошкент Давлат университетини филология факультетининг журналистика бўлимига келиб қол-дим.

Шеърларим аввал туман, вилоят газеталарида боси-либ турган бўлса-да, биринчи марта республика бо-лалар газетасида "Қушча" деган шеърим босилиб чиққан. Мен шеърим чиққан кун бу газетани "Тўқи-мачилар саройи" кинотеатрининг "Кизил бурчағи" да кўриб қолганман. Бу орада қанчадан қанча шеърларим, тўпламла-рим чоп этилди. Бироқ, илк шеърим босилиб чиққан ўша дақиқалар, унинг қувончи сира-сира эсимдан чиқмайди. Бал-ки бу ҳам адабиётдаги биринчи муҳаббат нашъасидир.

Университетда адабий жараён гоятда қизгин эди. Адаби-ётимизда эш қолдирган ва қолдираётган кўпдан кўп ижодкор-лар ўша йиллари дорилфуннинг турли курсларига таҳсил олишарди. Барчаннинг номини санаб ўтиришим шарт эмас-дир. Улар ўзлари ёзган таржимайи ҳолларидан биллиб оларсиз. Факултетимизда адабиёт тўрағи муттасил фаолият кўрсатарди. Озод Шарафидинов, Матёкуб Қўшонов каби устозларимиз биз билан соатлаб машғул олиб борардилар. Айниқса, Озод Шарафидинов жуда дадил эди. Москвада бир-рор асарни қоралаб қолишса, ўша асарни дарҳол ўқиб-ўр-ганми, ўзимизча баҳосини берадик. Масалан, бадном қилн-ган Борис Пастернак ҳақида "У ёмон шоир эмас" деган хуло-сага келганми.

Шеърларим матбуотда тез-тез босила бошладилар. Озод аканинг "Оқ ўли" билан "Шарқ юлдузи"да шеърларим чиқди. Ёзувчилар уюшмасидаги мушоиралардан бирида "Муножотни тинглаб", "Бургут" деган шеърларимни ўқидим, ўша куни Аб-дулла Қаҳҳор назарига тушдим. Миртемир домла тарафида кўп шоғирдлари қатори сабоқ олдим. Шайхзодадек дониш-мад устозга эргашиб, у киши шеър ўқиган минбардан мен ҳам шеър ўқидим. Эсимда, Эски шаҳардаги ҳозирги "Турон" кутубхонасида ўқиган шеърларимни тингловчилар жуда илқ кутиб олдилар. Учрашувдан қайтаётганимизда Шайхзода дом-ла билангидан тутиб, "Шоир, сизга битта гапим бор. Эҳтиёт бўлайсиз, ишқилиб қарсақлардан талтайиб кетмасангиз бўл-гани" деган. Бу гаплар ҳам менинг қулгоғимга кўрғошиндай қўй-илиб қолди.

Бу орада китобларим кетма-кет нашр қилинди. Устоз Фафур Фулом қатнашган давралардан кўпгина кишини ўз оғизла-ридан неча-неча бора эшитдим. Бир сафар Фафур ака олқамга қоқиб, "Кеча телевизорда шеър ўқиган бола сеним-

Вақтнинг тезкорлигини қараганг, кечагина ҳажвийимизга кириб келган Муратбой Низанов бугун эллики қоралаб кўйибди. У ярим асрлик умрининг ўттиз йили мобайнида уч юздан орлик ҳажвий, саргузашт асарлар яратди, устоз Саид Аҳмад, Насир Аминов, Носир Фозилов назарига тушди. Устозларидан ок йил, руҳий мадад олган Муратбой тиришқоқлиги, ижоддаги собитлиги билан бугун қорақалпоқ адабиётида ўз овози, услубига эга бўлган ҳажвийи



ва драматург бўлиб танилди. Муратбой Низанов тўпламлари, "Табассум", "Телеминиаторлар театри"даги қувнок ва ўткир киноли асарлари, Ҳамза номидаги Академик драма театри сахнасидан тушмай келётган "Нобб нуска" ҳажвий комедияси билан ўзбек ҳажв мухлисларига яхши таниш. Ҳажв усталари билан учрашув ҳар доим ўқувчи-га завқ-шавқ бахш этади. Бугун Муратбой Низанов "Шум бола" меҳмони.

САТАНҲОННИНГ Фойдали МАСЛАҲАТЛАРИ!

— Айланай, гап қулогидан кириб оғзидан чиқадиган, миш-мишларни жонидан ортик қурайдиган дугонажонлар! Аёлнинг хусни-малохоти пардоз-андоз эканлигини унутманг. Лекин косметикага бориб келгандан кейин тандирнинг олови, қозоннинг қуяси, овқатнинг буғи ўта зарарли эканлигини хисобга олиб, уйдаги бундай зарарли юмушларни эркакнинг елкасига юклаган маъқул. Болани ёшидан, эри бошидан қўлга олиш керак, деган нақлга амал қилиб, тўйнинг эртасигаёқ бу ишларни эрнинг елкасига юкламоқ керак...

ПАРОДИЯЛАР РЎМОЛЧАНГИЗ БЎЛСА БАС

Эй! Ҳозирги Отеллолар! Ҳозирги Муратбойлар, Ягларини ҳам изламас жонни қуйдириб. Рўмолчангиз йўқлигини кўрдими, тамом, Рўмолчангиз бор қизларга кетар бўрилиб. Рўмолчангиз маҳкам ушланг, ҳой, қизларжон! Дездемона бир рўмолча учун берган жон.

"Рўмолча", Ойгул МАМАТОВА
Эй, қизлар! Сингилжонлар! Рўмолчи қилинг эҳтиёт. Агарда йўқотсангиз, бўлади жуда уят. Ҳозирги Отеллога Рўмолчангиз бўлса бас. Бошқа майда-чўйданинг Кўпам фарқига бормас. Улар Яго билан ҳам

Доимо ошу қатик, Шу боисдан тили гунг, Сўзлай олмайд қаттик. Агарда Отеллонгиз Рўмолча қилса талаб, Шарт чўзинг у матоҳни, Олиб қўйинг пачкалаб.

ШЕРИКЛИК ОШ

Кумуш, сени тушундим бугун, Кумуш, сенига нақадар оғир! Зайнаб, сени тушундим бугун, Зайнаб, сенига нақадар оғир!

"Кумуш, сени...", Фарида АФРЎЗ
Тушунаман мен сизни Зайнабхон синглим, Кумуш. Биламан, бу дунёда Кундошлик оғир юмуш. Сизга афсус дейишди. Ҳай, қизларжон! Дуч этмасин ҳеч кимни Асло шериклик ошга



БОҒИ ЭРАМ ТОПИЛДИ!

Кейинги йилларда британиялик тиничимас археолог Майкл Сандерс ўзининг шов-шувли кашфиётлари билан дунёни ларзага солиб келётган. Илмий изланишларини Кўҳна Аҳд китобида тилга олинган жуда қадимги жўррофий худудларни қидиришга бағишлаган олим хозирча афсонавий Садум ва Фамурра шаҳарларини, Бобил минорасини ва Дунё тўғриси изларини "топгани"ни эълон қилган. Албатта, айрим олимлар британиялик археологнинг баёнотларига кўпам қўшилмайди. Яқинда Майкл Сандерс Инжилда тилга олинган жаннат боғи — Боғи Эрамин тоғганини эътироф этди. У америкалик космонавтар томонидан олинган Ернинг кўп қисми фотосуратларини тадқиқ этиб, афсонавий Боғи Эрам Катта Арарат тоғи яқинида — хозирги Туркия худудида бўлганини аниқлаган. Кўҳна Аҳд китобида эслатилишича, Боғи Эрамдан бир дарё оқиб ўтган. Сандерснинг иқрофига, Арарат тоғидан бошланиб, Евфратга қуйиладиган Мурат дарёси ўша дарё.

Тарихчилар Боғи Эрам жойлашган ерни аниқлаш бўйича жуда кўп изланишлар олиб боришган. Айримлари афсонавий боғ Синий ярим оролда деса, базилари Африкада дейишган. Сандерс негандир Боғи Эраминг аниқ координатларини беришни, бошқа тафсилотларни айтишни маъқул кўрмайди. Бу унинг кашфиётига "эгаллик" қиладиганлар чиқиб қолишдан чўчиётгани билан боғлиқ. Яқинда британиялик археолог Голливуд киночилари билан бирга Туркияга бормоқчи: у ерда "Жаннати Боғи Эрам" фильми суратга олиниши мўлжалланган. Сандерснинг айтишича, бу фильм экранга чиққаннан кейин у тоған Боғи Эрама дунёдан сайёҳлар дўлдир бўлади.

ЎНФАЙСИЗ АҲВОЛ

Яқинда Буюк Британияда катта жанжалга сабаб бўлган воқеа рўй берди. Касалхоналарда вафот этган ўн минглаб болаларнинг соғлом аъзолари врачлар томонидан кесиб олингани бир тасодиф туфайли ошқор бўлди. Вафот этган болаларнинг ота-оналаридан ружхатсиз кесиб олинган аъзолари шу пайтгача тиббий лабораторияларда сақланиб келинган. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги ўтказган тафтишлар чоғида бундай лабораториялар "банклари"да юз минггача юрак, мия, ўпка ва бошқа аъзолар сақланаётгани маълум бўлди. Вазир буни дахшатли ва ноҳуя ҳолат, деб баҳолади.

Буюк Британиядаги сиёсий қушлар жавобгарларни топиб қозолашни, марҳумларнинг аъзоларини ота-оналари ва яқинларининг ружхатсиз кесиб олиниши таъқиқлайдиган қонун чиқаришни талаб қилишди... Ва қутилмаганда бу фожияни майнавозчиликка айлантган ўнфаёсий аҳвол юзага келди. Маълум бўлишича, марҳумларнинг аъзоларини ўзбошимчилик билан "ампутация" қилишга 1993 йилдаёқ чек қўйилган, 1995 йилда эса бу масалада янги қўрсатмалар жорий этилган экан. Врачларнинг амалдаги қонун-қоидаларни унутиб қўйишларини қайсибир маънода тушуниш мумкин, бироқ сиёсатчиларнинг гафлатда қолишганига нима дейсиз.

УЙ ЭМАС, ЖАННАТ

Яқинда Швецияда қурилган олтига ўй очик савдога қўйилган бўлди. Бу хабарнинг кўп шов-шувларга сабаб бўлган жиҳати шундаки, бу уйлар шунчаки бошлана эмас, балки "акли, фикрлайдиган уйлар". Улар фақат ўзларини эмас, балки ичиди яшайдиган одамларнинг ҳам гамини ёлди. Хоналарни сутириб-сидириш, уй ишларини бажариш, жорий таъмирларни амалга ошириш, электр асбоб-ускуналарга хизмат кўрсатиш каби ташвишлар компьютерлар зиммасига юкланган. Агар бирор-бир электр асбоб ўчирилмай қолдирилган бўлса, азият чекишга ҳолат йўқ, у вақтида ўчирилади. Музлаткич уй эгасининг таъбидан келиб чиқиб, нималарни харид қилиш зарурлигини "эслатиб" туради. "Ақли уй" хонадонда рўй бериши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатдан, дейлик, электр симларининг туташуви ёки қувурдан сув оқаётганидан огоҳлантириб туради. Боз устига, "уй" фақат ўзининг қартоқекасида шахсий коди ёки бармоқ излари бўлган устани ичкарига киритади, холос. Унинг электрон "мияси" робот-фарошоннинг ҳовлини сутириб-сидириши, шох-шаббаларни бир текис қилиб қирқиши ҳазорларни йиғиб, елим халталарга солиб, тўқинди қўтиларига элтиб жойлашгани ҳам назорат қилади. Стокгольм шаҳрининг Хейгеберг туманида қурилган бу "ақли уйлар"даги уч хонали квартираларнинг нархи 600 дан 900 минг долларгача.

Маданият ишлари вазирлиги Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юрти директори

Умрзоқ Абдуллоевнинг

бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардик билдиради. Маданият ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Ҳамза номидаги Қўқон мусиқали драма театрининг актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳайтхон Махмудов вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Баъзи бировлар ишга кириш осон, деб ўйлашади. Аслида ундай эмас. Буни бошига тушган биледи. Идорасида ходим қолмасда, бошлиқ иш сўраб келганларни қовоғини уюб қарши олади: — Тўғри, бизга одам керак, аммо сизнинг соҳангиз бошқа экан-ку! Афсуски, сиз олий маълумотли экансиз, бизга ўрта маълумотли ходим керак эди, — дейди.

сўрасан улар: — Сени бўшагингни... Ҳай, майли, кейин айтарман, директоримиз келаяпти, — дейишади-да, ўзларини чеккага уришади. — Сен бола, тартибни билмас экансан. Бўлмаса тунов кунги... Тиш... ановини қара, ярамас, бизни кузатиб турибди, директорга етказди. Ҳўп, мен кетдим. Хуллас, жамоадагилар директордан кўрққанларидан мен билан сўзлашишмайди.

— Ҳўп... — Бориб битта ҳўжини еб қайдик. — Директор бордимми? — Борди. — Сенга мабодо сўз беришмаганимми? — Ҳа, беришди. — Нима дединг? — Одатдаги тилакни айтдим. — Одатдагини қўйиб тур, тилагингни қайтадан айтиб бер. — Ҳм... Жумағали оғаннинг ўғли йигитлик бурчини ўтаб келган экан, умри узок бўлсин, тезроқ ота-онасини келинлик қилсин, дедим. — Ўша вақтда директор қандай ўтирди? — Билмасам. Аммо "Манов бола...", деб Аскар оғаннинг қулогига бир нарсга деди. — Унда тамом! "Манов бола" дедими, бунинг давоси йўқ. Жумағалининг боласи келадими-келмайдими, неча пуллик ишинг бор, сенга деса ўша ёқда ичбуруғ бўлиб қолиб кетмайдими! — Бўлмаса нима дейишим керак эди? — Бошқаларнинг нима дейишига қарамадингми? — Эйтиб бермадим. — Эйтиб бермасанг, юравер. Қадаҳини қўлга ушлашинг биланок икки бўлакиб, таъзим қилиб, Жумағали оғаннинг ўғлима директоримиздай обрў-эйтиборли инсон бўлсин, десанг бўларди-ку! — Бунисини билмабман. Бориб кеңирим сўрайлик. — Кеңирмайди. — Кеңириб қолар. — Кеңирмайди дедимми, кеңирмайди. Уғирлик қилсанг, кечиради, пора олсанг кечиради, лекин қадаҳ сўз айтганда уларнинг исмларини қўшиб айтмадингми, тамом, кеңирмайди! Энди директорнинг яқинлари кўриб қолмасдан бу ердан қорангни ўчир!

Яна бир дўлларга бергуси маслаҳатингиз

қулоқларингизни динг қилиб, жиндай гапдан пауза сақлаб турсангиз... Аёлни кўркам қиладиган нарсаси либос! Ҳатто элмоғиз кампирга сўнги модадаги қўйлак кийгизиб, зеб-зийнат тақсангиз, ҳурилиққа айланади. Шунинг учун ҳаётингиз мазмунли, ҳар байрам, туғилган кунингизда, гапга борганда либосингиз, тақинчоқларингизни янгилашни унутманг. Саводдан ортда қолсангиз ҳам, модадан ортда қолманг. Аксинча, мода сизнинг орқангиздан етолмай ҳаллослаб қолсин. Аммо ўзингиз модага берилиб, турмуш ўртоқингизни эсдан чиқарманг. Ҳамза ҳам парваршиг, эътибор керак. Шунинг учун унинг йиртилган кўйлаги, шимини вақтида тўйиб, ямаб туринг. Костюми кўриб қолса, тоғорага солиб ювиб бериш. Яна уч-тўрт йил кийиши мумкин. Химичтскага берилса косметика, сартаршонга ишлатиладиган пулингиздан баракка кетади. Агар кийимларни жуда титиллиб кетса, ора-сирра Тезкозов бозорига кириб, ўзига мос, матоси чирмаган эски кийимлардан олиб берсангиз, оилавий бюджетга оғир келмайди.

Энди энг муҳим маслаҳатингиз қулоқ тутинг. Уйин-қулиги, кўнгили зиёфат, ўтиришга аёлнинг умрига умр, хуснига хусн қўшади. Бундай жойларга жуда кўшаниб кетса, эр ўйлаб ўзбор ишлари билан баъд бўлгани маъқул. Шунда бекорчиликдан зерики қолмайди, кўчага тенгираб чиқиб кетмайди. Эркакни кўчага ишониб бўладими? Эркак эркак-да, эркин қолса, ҳаёлига ичкисиз келмайди, дейсиз. Шунинг учун эркакни кўчага ўргатмаслик керак. Агар эркак бунга кўнмаса, нафақасини олиб, бошига тўрт, елкасига етти мушт ўриб, уйдан ҳайдаб чиқаринг. Аёл ёлғиз яшаса ҳам оқидан уладиган замон эмас. Мана мен шу пайтгача оқидан улганим йўқ, эри ташлаб кетганидан бери оилада эркакни қандай ушлаш керак, деган мавзудаги маслаҳатларим билан ўзимга ўхшаган муштипар, содда аёлларни ҳушёрликка чақириб, ўйнаб-қулиб юрибман.

Корақалпоқчадан М.ИСЛОМКУЛОВ таржималари

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон телевидениесининг "Телевизион миниаторлар театри" энг яхши ҳажвий асарлар — интермедия, миниатура, ҳажвий ҳикоя, хангома ва хандалар танловини эълон қилади. Танловга юборилган энг яхши асарлар асосида "ТМТ" кўрсатуви тайёрланади. Танлов ҳаёяти томонидан голиб деб топилган асарлар муаллифлари пул мукофотлари ва махсус эсдалик совғалар билан тақдирланадилар. Танловнинг биринчи босқич натижалари Муस्ताқиллигимизнинг 10 йиллик байрами арафасида эълон қилинади. Азиз қулгисевар қаламқашлар, танловимизда қатнашинг!

Манзилимиз: Ўзбекистон телевидениеси, "Телеминиаторлар театри" тахририяти

Муратбой НИЗАНОВ КЕЧИРМАЙДИ

— Сиз ишлагингиз мумкин, аммо бизнинг виждонимиз қуйналади. Яхшиси, кейинроқ хабар оларсиз. Яна бошқа бировлари меҳнат дафтарчангизни ҳижжалаб ўқиб: — Ишдан бўшаган жойларингизда "Ўз аризага кўра вази фасаддан бўшатилади", деб ёзишди, — дейишади.

Ноилож, тоғамнинг санаториядан қайтишини кутиб, уйда сарғайиб ётдим. — Эшитдим, — деди тоғам дам олишдан келган кунни уйига кўргани борганимда, — сенга тушунтириб кўрман дедим, ултурмадим-да. Ахир, мен директорга ҳеч нарсга қилмадим-у... — Бирор нарсга қилиш қўлингдан келмайдими. Лекин унга ёқмайдиган бирор иш қилгансан.

— Дарвоқе, бир гал дарсга ўн беш минут кечкиб боровдим. — У бундай майда ишларга парво қилмайди. — Ҳа, эсладим, бир сафар танишининг боласини имтиҳондан йикитиб юборувдим. — Ҳа, эсладим, бир гал дарсга ўн беш минут кечкиб боровдим.

— Шуниси чатоқ-да! Лоақал бир мартагина "Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан", деган буйруқ бўлганда... Бу сизнинг камёб мутахассис эканлигингиздан далолат берган бўларди. Хуллас, қайси ишга кирмайин ё бошлиққа ёки унинг муовинига ёқмай қолман-да, бир-икки ой ўтмасдан у ердан бўшаб кетаман. Кейин эса яна иш ахтариб юраман. Борган жойимдагиларнинг олгиси келмайди, "Синалмаган отнинг сиртидан ўтмай", деганларидай, хадиксирашади.

— Ҳа, эсладим, бир сафар танишининг боласини имтиҳондан йикитиб юборувдим. — Ҳа, эсладим, бир гал дарсга ўн беш минут кечкиб боровдим.

— Бунисини билмабман. Бориб кеңирим сўрайлик. — Кеңирмайди. — Кеңириб қолар. — Кеңирмайди дедимми, кеңирмайди. Уғирлик қилсанг, кечиради, пора олсанг кечиради, лекин қадаҳ сўз айтганда уларнинг исмларини қўшиб айтмадингми, тамом, кеңирмайди! Энди директорнинг яқинлари кўриб қолмасдан бу ердан қорангни ўчир!

Яқинда тоғамни ўртага қўйиб, улар ўринбосар бўлиб ишлаётган билим юртига муаллим бўлиб олдим. Ишим ҳам, маошим ҳам яхши, бўш вақтим ҳам етарли. Энди омад менга қулиб боқди деганимда, директор бу жойдан ҳам қалишимни тўғрилаб қўйди. — Айбим нима? — десам, директор қовоғини уюб жавоб бермади. — Мени нега бўшатади, сабабини тушунмадим, — деб

— Ҳа, эсладим, бир сафар танишининг боласини имтиҳондан йикитиб юборувдим. — Ҳа, эсладим, бир гал дарсга ўн беш минут кечкиб боровдим.

— Бунисини билмабман. Бориб кеңирим сўрайлик. — Кеңирмайди. — Кеңириб қолар. — Кеңирмайди дедимми, кеңирмайди. Уғирлик қилсанг, кечиради, пора олсанг кечиради, лекин қадаҳ сўз айтганда уларнинг исмларини қўшиб айтмадингми, тамом, кеңирмайди! Энди директорнинг яқинлари кўриб қолмасдан бу ердан қорангни ўчир!

ҲАМҚИШЛОҚ ҲАЖВИЯ

Алло! Алло! Ким бу?... Исматулла тоғам керак эдилар... Лаббай? Ҳеч нарсга тушуниб бўлмайти. Алло! Эшитаясизми? Каттиқроқ гапиринг дейсизми? Янга, сизмисиз? Ҳа! Ҳа! Тақир қишлоқлик Гулмат сурнайчининг кенжа ўғли Филмиддин бўламан. Ахир бундан беш йил аввал, даданнинг чап қулогини ари чақиб, хандақдек шишиб кетганидан, Исматулла тоғам дори суртиб қўйган эдилар-ку! Иккалагиз бирга қишлоққа борган эдингиз ўшанда. Эсингизга тушдими? Ия-я! Мағиз оғи эди. Неварангизнинг бешиқ тўйида дадам келиб сурнай чалиб берган, сиз эса битта кўк дўпни кийдирган эдингиз. Ўша дўпнини, шаҳарлик жиянимдан эсдалик деб, жиягини қайтариб ҳали ҳам кийиб юрибдилар. Энди танидингизми? Ҳалиям-а? Ахир, ўша йили дадам билан сизларниқанда бир ой яшаганимиз. Ҳа-да. Исматулла тоғам таниш-билиш қилиб мени институтга киргазиб қўйгандилар. Тоғам ишхонасидан отпусқа олиб, бир ой институтга қатнаганимиз. Сиз пишириб берган мошкичири, мошхўрда, мошугра, мошқоқларнинг мазаси ҳали ҳам оғзимда турибди. Қишлоққами, онда-сонда бориб турибман. Бир ҳафта олдин ҳам бориб

келгандим. Дадам салом айтиб юбордилар. Ҳозир қишлоқда сурнайчининг ҳам бозори қасод. Кўпчилик хонаки тўй қиляпти. Ҳа, айтгандай, ола сизнинг сўтидан бўлган бир халта курт бериб юборган эдилар, ётоқхонамиздаги талабалар ўғирлаб қўйишди. Топсам олиб келиб бераман. А? Лаббай? Иш дейсизми? Йўқ. Ҳа, эшитмаганми. Институтдан виллоятга ишга юборишмоқчи. Лекин у ердаги шароитни биласиз-ку. Шунга унча оёқ тортмаяпти. Тоғам бирор ишга жойлаб қўйса бўларди-да. Хизматини унутмасдим. Нима? Ким? Йўқ, эшитмаган эдик. Э... аттанг. Қачон бўлди? Тўрт йил бурун. Бунга қаранг-а. Иш, ўқиб билан бўлиб, эшитмай қолибмиз, янгажон. Худо раҳмат қилсин. Укаларим, ўзингиз хафа бўлмай ўтирибсизларми ишқилиб. Алло! Алло! Янга. Узилиб қолди-ку! Оббо! Энди қайси ҳамқишлоғимга кўнғирок қилсам экан?

Тонг саҳардан "соққа" дебон дод қилар, Кўрпа-болиш, чойшабини "от-от" қилар, Тек тур, десанг миянгни компот қилар. Тойчоқдайин кишаб берган той бола, Овсар бола, Қайсар бола, Той бола. Зуваласи бирлашмаган Лой бола. Эрта кетиб оқшомгача гум бўлар, Севган жойи кафе-бар — тавжум бўлар, Бездет, бекор пиёнларга дум бўлар, Галва-жанжал топиб турган той бола, Овсар бола, Қайсар бола. Той бола. Уйга келар кийим боши Мой бола. Бездор бўлган аммаса-ю холаси, Кечай деса, жигарининг боласи.

Тонг саҳардан "соққа" дебон дод қилар, Кўрпа-болиш, чойшабини "от-от" қилар, Тек тур, десанг миянгни компот қилар. Тойчоқдайин кишаб берган той бола, Овсар бола, Қайсар бола, Той бола. Зуваласи бирлашмаган Лой бола.

Эрта кетиб оқшомгача гум бўлар, Севган жойи кафе-бар — тавжум бўлар, Бездет, бекор пиёнларга дум бўлар, Галва-жанжал топиб турган той бола, Овсар бола, Қайсар бола. Той бола. Уйга келар кийим боши Мой бола. Бездор бўлган аммаса-ю холаси, Кечай деса, жигарининг боласи.

Жўра МАХМУД

ҲИСОБ - КИТОБ


Зарба-а-а! Го-о-о-о-о! Эллик бешинчи дақиқада Абдусалимов ҳисобни очди! Бу унинг мавсумдаги йигирма иккинчи, футбол ўйнаб бошлагандан буён эса олтиш сақизинчи, ўнг оёғи билан киритган олтинчи, тўйдан сўнг урган учинчи ва сарик майка кийиб ўйнагандаги тўртинчи голдир. Абдусалимовнинг бу тўғри ўтган йили киритган иккинчи голига жуда ўхшаб кетди. Ўша пайтда ҳам қарбдан шамол эсиб турганда. Ўшанда ҳам Абдусалимов тўғри киритган, икки қўлини худди самолёт қанотидек ёзиб, стадионни уч марта айланиб чиққанди... Қисқаси, ҳалиги гол бу йилги чемпионатда "Фаллакор" жамоаси ҳисобиди ўттиз иккинчи, жамоа тарихидаги бир минг ўттиз бешинчи тўғри. Бу бизнинг стадионда дарвозабоннинг оёқлари орасидан ўтиб кетган олтинчи ва ҳаво температураси йигирма етти даража бўлганда дарвозага киритилган иккинчи тўғри.

Яна шунга айтиш керакки, тўғри шарқ томондаги дарвозага киритилди. Уч мавсумда шу томондаги дарвозаларга ўн битта гол урилди. Бугун шанба, ўн олтинчи ноябр. Энди микрокалькулятордан фойдаланмасак бўлмайди. Қизиқ натижа келиб чиқди! Шанба кунлари соат ўн олтидан ўн еттига қадар олий лигада ўртача 0,3 тўғри, ўн еттидан ўн сақизга қадар эса 0,2 тўғри киритилар экан!

Абдусалимов "Адиас" фирмаси чиқарган оёқ кийимиди ўйнаётти. Иккинчи давра ўйинларида у ўша фирма оёқ кийимиди ўн еттига тўғри киритиб рақиблар дарвозасига. Яна шунга айтиш ўттиз лозимки, стадионнинг бурчакдан тўғри тепиш нуқтасида бундан уч йил муқаддам қадалган байроқча қилдираб турибди. Эсингизда бўлса, ўша кун "Фаллакор" "Шоликор" билан ўйнаб, Абдусалимов ўн бир метрдан тўғри киритолмаган эди. Қўлимдаги микрофон, таъбир жоиз бўлса, ўттизинчи голинг шохиди бўлиб турибди... Авф этасиз, стадион қоровули қўллари билан менга имлаб, ўйин тамом бўлганини кўрсатяпти. Стадионда ҳам ҳеч ким қолмабди. Ие, ҳисоб ҳам 0:0 ку. Ҳалиги мен таърифлаган тўғри ҳакам ҳисобга олманган шекилли. Таблода 0:0 турибди. Мен ҳисоб-китобга берилиб, эътибор қилмабман, уэр. Қани, ҳисоблаб қурайлик-чи... Ҳмм... Бугунги гол бу йилги мавсумда ҳисобга олинмаган бешинчи, футболимиз тарихидаги саксон учинчи тўғри экан...

Яна шунга айтиш керакки, тўғри шарқ томондаги дарвозага киритилди. Уч мавсумда шу томондаги дарвозаларга ўн битта гол урилди. Бугун шанба, ўн олтинчи ноябр. Энди микрокалькулятордан фойдаланмасак бўлмайди. Қизиқ натижа келиб чиқди! Шанба кунлари соат ўн олтидан ўн еттига қадар олий лигада ўртача 0,3 тўғри, ўн еттидан ўн сақизга қадар эса 0,2 тўғри киритилар экан!

И.ЧОРИЕВ



"Жанговор" дуранг

Рассом А.ҲАКИМОВ

ҲОЙ БОЛА

Тоғаси ҳам тополмайди чорасин. Кўча-қўйда ётиб юрган той бола, Овсар бола, Қайсар бола, Той бола. Тополмайди бирор кўним — Жой бола.

Ҳайрон бўлманг, қичқирса ҳам, хурса ҳам, Ўтган-кетганларини сўкса, урса ҳам. Юрак ютиб бирор танибх бера ҳам, Ҳазаб отиб олга сурган той бола, Овсар бола, Қайсар бола, Той бола. Бир кун келиб волидага Вой бола.

Билолмадик қандай топар нонини, Ота-она топириса гар жонини, Зора бу гап уйғотса виждонини, Овсар бола, Қайсар бола, Той бола. Вақт борида этакни йиғ, ҲОЙ БОЛА!

Билолмадик қандай топар нонини, Ота-она топириса гар жонини, Зора бу гап уйғотса виждонини, Овсар бола, Қайсар бола, Той бола. Вақт борида этакни йиғ, ҲОЙ БОЛА!

Э.СОҲИБНАЗАРОВ

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ. НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati. Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32. Қабулхона — 133-52-91, Котибхона — 133-49-93. Танқид ва адабиётмуносаб бўлими: 136-58-49. Иجتимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93. Санъат бўлими: 136-56-48. Наср ва назм бўлими: 136-56-50.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ. Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин. Набатчи муҳаррир — Раҳматилла БЕРДИЕВ. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциддорлик компанияси бошқаруви. Манзил: Тошкент шаҳри, «Буюк Турк» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди — 21.30. Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма № — 2009. Ҳажми — 3 босма табоқ. Наср кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН. Т